

2022 йил "20" январ

Фарғона шаҳри

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Фарғона шаҳар почта алоқаси боғламаси бошлиғи Р.Каримов бундан буён бир томондан "Бажарувчи" деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан Фарғона ёлғизлик АЖС бошқарувчиси Э.В. Каримов низоми асосида иш юритувчи бундан буён "Буюртмачи" деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" чи "Буюртмачи" нинг буюртмасига асосан 2022 йил даврий обуна бўйича тегишли тартибда хизмат кўрсатади, "Буюртмачи" эса кўрсатилган хизмат учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

т/р	Газета ва журнал номи	Обуна даври	Обуна Микдори	Йиллик обуна нархи	Суммаси
1.	Янги Ўзбекистон	10	15	975 000	12 187 500
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					
9.					
10.					
11.					
12.					
13.					
14.					
15.					
16.					
17.					
18.					
19.					
20.					
21.					
22.					
23.					
Жами					12 187 500

III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. "Буюртмачи" 2022 йил обуна учун олдиндан, кўрсатилган хизматнинг 100 фоизи микдорида пул маблағини ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. "Бажарувчи" тегишли бўлган хизмат турини кўрсатади.

IV. ХИЗМАТ КЎРСАТИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. "Бажарувчи" мазкур шартнома қонуний қучга киргандан сўнг обунани 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача белгиланган тартибда "Буюртмачи"га етказиб беради.

V. ХИЗМАТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган хизмат сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва "Буюртмачи"нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. "Бажарувчи" мажбуриятлари:

Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида "Буюртмачи"га хизматни кўрсатиш;

Шартноманинг шартлари "Буюртмачи" томонидан бузилганда кўрсатилаётган хизматни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга;

"Бажарувчи" етказиладиган хизматлар учун ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, хизмат тури, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

“Буюртмачи” шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш хизматларни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига турига, сифатига қараб ўз вақтида хизматларни қабул қилиб олиши лозим.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тўғри кўрсатилгани аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида “Бажарувчи”ни огохлантириш.

Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда хизматнинг сифати, тури ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”га хизматларни белгиланган муддатларда кўрсата олмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорида “Буюртмачи”га пеня тулайди, лекин пеня миқдори кўрсатилмаган хизмат кийматиинг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги хизмат етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу хизмат кийматиинг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,5 % миқдорида “Бажарувчи”га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иктисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар шартномага тегишли қўшимчалар расмийлаштирилганда томонларнинг ўзаро келишувига кўра бир хил юридик кучга эга бўлади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.3. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.4. Ушбу шартнома 2021 йил “10” январ дан 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.5. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, фазначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

9.6. Шартнома икки нусхада тузилди тарафларга берилди.

ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Бажарувчи”

Фарғона шаҳар почта алоқаси боғламаси
150100, Фарғона шаҳри Каштанзор кўчаси
35-уй, х/р 22612000800155266457
АТ “Алокабанк” Фарғона филиали
МФО: 00401, ИНН: 200833833, ОКОНХ 52100
тел.: 0-373-244-42-33

Раҳбар  Р.Каримов

М.У.

Хуқуқшунос _____

“Буюртмачи”

“FARG'ONA IEM” AJ	
150100, Farg'ona sh, Sanoat k-si 40-uy.	
H/V: 20210000900215451001	
ATB "O'ZSOB" FARG'ONA MINTAQAVIY E-LLI	
MFO: 00494	INN: 200202146
OKED: 35111. Tel: 0(373) 242-73-20	

Раҳбар _____

М.У.

(имзо) 